

РАНГ ИШТИРОКИДАРИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

С. Хакимова ¹

Аннотация:

Фразеологик бирликларнинг семантик структураси фразеологик маъно ва кўшимча нозик фарқланишлардан иборат бўлади. Ибораларнинг оддий сўз бирикмаларидан фарқи улардаги кўчма маънода намоён бўлади. Тезисда ўзбек ва инглиз тилларидаги ранг компонентли иборалар таҳлил этилди.

Калит сўзлар: ибора, маъно, семантика.

doi: <https://doi.org/10.2024/hpazxz85>

Фразеологизмларнинг семантик структураси фразеологик маъно ва кўшимча нозик фарқланишлардан иборат бўлади. Бу тезисда биз фразеологик бирлик (ФБ)ларнинг семантик табиатини чуқур ўрганган олим Ш.Раҳматуллаевнинг ўзбек тилидаги илмий изланишларини инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд ранг компонентли ФБларга нисбатан талқин этдик. Шунингдек, ўзбек тилидаг ибораларга мисоллар “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2008) ва Ричард А. Спирснинг ‘Dictionary of American Idioms’ (2005) манбаларидан олинди.

Тилдаги шакл нутқда товуш, ёзувда ҳарф билан ифодаланади. Маъно эса сўзнинг асосини ташкил қилади. Тил бирлиги бўлган ибораларда ҳам шакл ва маъно мавжудки, бу бир мунча мураккаб ва мунозарали жараён. У “камида иккита мустақил сўз – лексемадан таркиб топади. Шунга кўра иборанинг ифода плани деб лексемалар ва уларни боғлашга хизмат қилган морфемалар назарда тутилади.”[1;4] Иборалар ўзбек тилида мустақил сўзлар ва морфемалардан таркиб топса, инглиз тилида эса морфемалар ўрнини предлоглар ўтайди. Ибораларнинг мураккаб ҳодиса экани яна шунда намоён бўладикки, унинг маъноси таркибидаги сўзларга хос маъноларнинг оддий йиғиндисига тенг бўлмайди. Иборага хос маъно таркибидаги лексеманинг маъносига нисбатан кўчма маъно сифатида гавдаланади, баъзан эса бу маъно ибора таркибидаги сўзларнинг маъносига суянмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда иборанинг ифода шакли ва маъно шакли ўртасида боғлиқлик шартлилик касб этади ва ибора таркибидаги сўзлар яхлитлигича маълум бир образ асосида кўчиш ёки татбиқ йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради. Маълум бир образ асосида юзага келган ана шундай кўчма маънога фразеологик маъно дейилади. Масалан, ичи қора ибораси “дили бузук, бировнинг бахт-қувончини кўролмайдиган; ҳасадгўй” маъносини билдиради. Бу маъно тўғридин-тўғри шу

¹ Хакимова Садоқат Дилшодбековна, ЎзДЖТУ Инглиз тили назарий аспектлар №3 кафедраси ўқитувчиси

иборанинг таркибидаги лексеманинг маъносидан келиб чиқмайди. Эркин бирикма сифатида жумла, масалан, Чойнакнинг и ч и қ о р а рангда сирланган каби гапларда ишлатилиди. Бундай ишлатишда ич ва қора сўзлари маъно мустақиллигини сақлаб боғланади ва маънода яхлитлик юз бермайди. Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлайсан? (деб суради Юсуфбек хожи). - Кўланса сўзли, ичи қорароқ бир йигит эди, деди Ҳасанали. (А. Қодирий, Ўтган кунлар.) Мисол таркибида юқоридаги эркин бирикма эмас, балки ибораси қатнашди. Яъни иккинчи гапда ич ва қора сўзларидан эмас, ичи қора иборасидан фойдаланилган. Энди бу ерда ич ва қора сўзларига хос маъноларнинг оддий йиғиндиси ҳақида эмас, балки мавжуд кўчма маъно ҳақида гапириш керак. Бундай маъно образга суяниб юзага келади: ич деганда борор нарса ёки предметнинг ички тарафи ёки инсон ички органлари тушинилади, лекин бу ўринда ич сўзи бошқа маъно инсон дили маъноси билан қатнашади, қора сўзи эса қора ранг маъносидан янада кенгайиб, ёмон ниятб хасадгўйлик шаклида конкретлашади. Демак, бирор инсон ёки вазиятга нисбатан ичи қоралик, яъни кўролмаслик, ёмонлик хоҳлаш каби маъно келиб чиқади. Юқоридаги образли тасаввурлар натижасида иккала сўзнинг ҳам ўз маъноси иккинчи даражага тушиб қолиб, бирикмада яхлитлигича янги бир маъно англашилади.

Энди эса бу жараённи инглиз тилидаги а gray area ибораси орқали кўриб чиқсак. а gray area ибораси “муайян тоифага киритиш қийин бўлган мавзу ёки соҳаси, чунки у аниқ белгиланмаган ва бир нечта фанларга алоқадор ёки ассоциацияларга эга бўлиши мумкин бўлган масала”, маъносини беради. Изоҳ учун айтилган маъно эса тўғридан-тўғри сўзларни таржима қилиш жараёнида пайдо бўлмайди. Эркин бирикма сифатида On the map, a gray area marked the region that was still under dispute. (Харитада ҳали ҳам баҳсли бўлган минтақани кулранг майдон белгилаб кўйган.) каби гапларда ишлатилади. Эркин бирикмада gray ва area сўзлари ўзларининг мустақиллигини сақлаб қолади ва маънода яхлитлик юз бермайди. The ethics of using artificial intelligence in hiring decisions is a g r a y a r e a that many companies are still navigating. (Ишга қабул қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш этикаси кўплаб компаниялар ҳали ҳам йўлга қўёлмаётган тушунарси соҳадир) Юқоридаги эркин бирикма эмас, балки ибора қатнашади. Негаки бу гапда gray ва area сўзларидан эмас, а gray area иборасидан фойдаланилган. Демак биз энди бу ерда gray ва area сўзларига хос маъноларнинг оддий йиғиндиси ҳақида эмас, балки юзага келган кўчма маъно ҳақида гапиришимиз лозим. Кўчма маъно эса образга суяниб юзага келади. gray – кулранг оқ ва қора ранглари қўшилиб ҳосил бўлган ранг бўлиб, у бутунлай оқ эмас, айни дамда мутлақо қора ҳам эмас. Бошқа тарафдан ёруғлик бўлмаган тарафнинг сояси каби ранги. Бу ўзига хос ноаниқлик ва кўриш учун тиниқ бўлмаганлик маъноларини ўзида намоён этади ва бошқа маъно “тушунарси”, “ноаниқ”, “баҳсли” маъносини касб этади. Агеа – минтақа, ҳудуд маъноси эса ўз навбатида “соҳа” маъносига томон ўзгаришини таъминлайди. Натижада тушунарси, ноаниқ, баҳсли соҳа даражасида конкретлашади. Бундай образли тасаввур орқали сўзларнинг ўз маъноси бутунлай йўқолиб кетади ва яхлитлигича янги маъно касб этади.

Демак, “ФБ ифода шакли билан мазмуни ўртасида ўзига хос қарама-қаршилиқ ва бирлик асосида юзага келади...”[1;4]

Хулоса қилиб айтганда, фразеологик маънонинг нозик қирраларини билиш ва фарқлаш учун фразеологик маъно ўрганиб чиқилди ва ранг иштирокидари фразеологизмлар семантикаси очиб берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
- [2]. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли/А. Мадвалев таҳр. ост.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
- [3]. Richard A. Spears, 'Dictionary of American Idioms' 2005 by The McGraw-Hill Companies
- [4]. Qizi, E. A. Z., & Qizi, X. Y. I. (2023). The background of the emergence of pragmalinguistics. *International Journal of Advance Scientific Research*, 3(06), 58-62.
- [5]. Erdanova, Z., & Eshdavlatova, A. (2024, April). Lexical classification of language units. In *Conference Proceedings: Fostering Your Research Spirit* (pp. 43-47).